

Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 27 ноябрь • № 48 (667)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2009 йил 5 ДЕКАБРЬ ШАНБА
ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2009 йил
7 ДЕКАБРЬ ДУШАНБАГА
КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009 йил 5 декабрь шанба дам олиш куни 2009 йил 7 декабрь душанбага кўчирилсин.

5 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 ноябрь

Миннатдорлик туйғуси

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУНМАН

Инсонга берилган умр ва вақтни орта қайтариб бўлмаганидек, йўқотилган бебаҳо соғлиғини ҳам қайта тиклаб бўлмас экан. Қирқ беш ёшимда юрак инфаркти билан шифохонада даволандим. Бу ҳолат икки бор қайтарилди. Бу орада қон босимим тез-тез кўтарилаётган, қондаги қанд миқдорим ошиб, чап кўзимнинг кўриш қобилияти тобора пасайиб борди. Давлатимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги тўғрисида ҳар йили юртимиз шифо масканларида даволаниб келаман.

Матбуотга бўлган қизиқишим тўғрисида кўпгина даврий нашрларда фаол қатнашиб, уларни мутолаа қилиб тураман. Жумладан, «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасига ҳам 2010 йил учун обуна бўлдим. Севимли нашримнинг ҳар бир сонини алоҳида эътибор билан кузатиб, ўқиб бораман. Тиббиётга оид кундалик янгиликлар, олимларнинг илм-фан борасида амалий ютуқларини кўриб, тиббиётимиз ривожланиш босқичида эканлигини сезинаман. Ҳар йили обуна мавсуми бошланиши билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Навоий шаҳар ҳокимлигининг амалий ёрдами тўғрисидаги маълумотга имтиёзли обуна бўлган. Шу фурсатдан фойдаланиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Икромов ва Навоий шаҳар ҳокими Б. Жўраева ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман.

Мазкур йил мен учун қувончли келди. Ядро полигонларида ва бошқа ядровий-радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаганим учун менга давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил 12 июндаги 161-сонли Қарори билан тасдиқланган «махсус имтиёзга эга бўлган гувоҳнома берилди. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан

миннатдор бўлиб, яшашга бўлган умидим ва соғлиғимга нисбатан эътиборим кучайди. Ҳар йили пойтахтдаги Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг асаб касалликлар бўлимида даволаниб келаман. Бўлим мудири Бўрибой Рузikuловнинг самимият ила беморларни қабул қилиши ва очик чехралик билан кутиб олиши дардингизни енгиллаштириб, кайфиятингизни кўтарди. Энг муҳими, бўлимдаги тиббиёт ходимларининг бемор соғлиғига нисбатан бефарқ эмаслигига амин бўласиз. Даволовчи шифокорим Амина Файзуллаеванинг доимий назорати тўғрисида керакли даво муолажаларини олиб, яқинда оилам бағрига қайтдим. Мени дарддан фориг бўлишимда ўз меҳнатларини аямаган бўлим мудири Б. Рузikuлов, шифокор А. Файзуллаева, бош ҳамшира Д. Раҳматова, ҳамшира Ш. Абдусаматова ва ҳўжалик бекаси М. Каримоваларга ўзимнинг чексиз дил ташаккуримни билдираман. Мазкур шифо масканида хизмат қилаётган барча тиббиёт ходимларининг хонадонида тинчлик-тотувлик, соғлиқ-омонлик бўлишини тилаб қолам.

Акабой БЕКНАЗАРОВ,
биринчи гуруҳ ногирони.
Навоий вилояти.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ОРТИДАГИ ФИДОЙИЛИК



Тошкент шаҳар ҳокимияти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли 1-сон болалар «Мурувват» уйининг катта тарбиячиси Махмуда Исмомова тарбияланувчи Тожмуродга илм сабоқларидан дарс бермоқда.

Азиз юртдошларимизни муборак Курбон ҳайити билан самимий муборакбод этамиз. Барчанинг хонадонида файзу барака, тинчлик-хотир-жамлик ва сиҳат-саломатлик бўлишини тилаб қоламиз.

Таҳририят.

Матбуот анжумани

ҲАМКОРЛИКДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ҳар йили 1 декабрь ер юзида Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни сифатида кенг нишонланади. Чунки, дунё мамлакатларини ҳавотирга солаётган долзарб муаммо нафақат инсоният тарихида, балки жаҳон тиббиёти ривожидида ҳам қўтилмаган жиддий ҳолатдир...

Жорий йилнинг 26 ноябрь куни пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ОИТСга қарши кураш маркази, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда БМТнинг UNAIDS халқаро ташкилоти ҳамкорлигида мазкур санага бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Б. Ниёзматов кириш сўзи билан очиб, ОИТСга қарши кураш бўйича дунёда кечаётган жараёнлар, жорий этилаётган миллий лойиҳалар, эпидемиологик вазият, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирлар борасида тўхталиб ўтди.

БМТнинг берган маълумотига кўра, ер юзиде ОИВ инфекцияси билан зарарланганлар сони 33,2 миллионни ташкил этмоқда. Ушбу ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, кўрсаткичларнинг асосий қисmini фаол ёшдаги аҳоли гуруҳлари ташкил этади. Шунга қарамай, ишлаб қўйлаётган миллий дастурлар, Глобал фонд томонидан ажратилаётган молиявий маблағ асосан профилактика чора-тадбирлар таъсирчанлигини оширишга йўналтирилмоқда. Сўзга чиққан мутахассислар Президентимизнинг мазкур йўналишдаги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг татбиқ этиш жараёни хусусида тўхталиб ўтилди.

Намоз ТОЛИПОВ.



«Соғлом она — соғлом бола»

Бухоро вилояти

Перинатал ва Репродуктив марказлари

Давлат сиёсатининг устувор вазифалари-
дан бири бўлган оналик ва болаликни муҳо-
фаза қилиш борасида Республика тиббиёт
тизимида самарали ишлар амалга ошириб
келинмоқда. Айниқса, Республика ихтисос-
лаштирилган Акушерлик ва гинекология ил-

мий-амалий тиббиёт, Она-бола скрининг, Пе-
ринатал, Репродуктив марказлари ва уларнинг
вилоят филиаллари замон талаблари даража-
сида таъмирланиб, янги технологиялар билан
жихозланиб ҳамда унда малакали кадрлар аҳоли-
га сифатли тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК — БОШ МЕЗОН



Наталья НАДЫРХАНОВА,
Бухоро вилоят Перинатал
маркази директори,

тиббиёт фанлари номзоди:

Марказимиз 100 ўринга мўлжалланган бўлиб, етти та бўлимдан иборат. Вилоятимиз бўйича мурожаат қилиб келатган аёлларимизга малакали акушер-гинекологларимиз сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига қаратилган эътибор тўғрисида фаолиятдаги ишлар янада жадаллашиб, туғруқ масканлари замон талаблари даражасида жиҳозланиб, аёлларимиз учун барча имкониятлар яратилмоқда. Шу жумладан, марказимиз ҳам таъмирдан чиқарилиб, ҳомилдор ва оналик бахтига муассар бўлган аёлларимиз ҳамда уларнинг оила аъзолари учун барча шароитлар мавжуд. Асосий вазифамиз соғлом онадан соғлом фарзандни дунёга келтириш экан, бор илмий салоҳиятларимизни ишга солиб, астойдил меҳнат қилишимиз зарур, деб биламан.



Жамила НАБИЕВА,
марказ директорининг
ўринбосари,
акушер-гинеколог:

Вазифамиз жуда оғир. Осон эмаски, аёлни ҳомилдорлик давридан то туққунча назорат қилиш. Бу албатта, ҳар бир тиббиёт ходимидан ҳушёрлик, билим, тажриба ва меҳрибонликни талаб этади. Марказимизда аёлларимиз учун зарурий тиббий ёрдам ўз вақтида сифатли даражада олиб борилади. Махмуага келадиган оғир ахволдаги беморларга шовилинч, юқори малакали ёрдам кўрсатиш, туғиш жараёнида она-бола ҳаётини сақлаб қолиш, ҳар биримизни ҳушёрликка даъват этади. Чунки, биз икки инсон ҳаёти учун жавобгар шахс эканлигимизни юракдан ҳис этган ҳолда, бurch ва қасамдими олдидан виждонан иш-лашимиз лозим.

Бахтли оналик ва болалик

Шу жумладан, Бухоро вилоят перина-
тал марказида ҳам оналик ва болаликни
муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор
қаратилмоқда. Мазкур перинатал марказ-
да бўлар эканмиз, у ерда она ва бола
учун яратилган шароитларни кўриб бе-
ҳад мамнун бўлдик. Она ва бола ётган
хоналарда бўлганимизда, чақалоқларини
бағрига босган оналар шодлигини кўриб,
эртамин келажаклари бўлган кичкинтой-
ларнинг йиғисидан қалбимиз қувончга
тўлди.

Оналар билан суҳбатда бўлганимизда,
улар Президентимиз томонидан кўрсати-
лаётган ғамхўрликлар тўғрисида эътироф-
ли фикрларини айтиб, марказда яратилган

шароит ҳамда меҳрибон акушер-гинеколо-
лар меҳнатидан, малакали тиббиёт ходим-
ларининг ёш оналарга бераётган маслаҳат
ва кўрсатаётган амалий ёрдамлари чақалоқ-
ларни парваришlashда катта мактаб бўли-
шини мамнуният билан айтишди.


Таъкидлаш жоизки, марказдаги ҳар бир
бўлимда ўзига хос дид билан ўрнатилган
кўрсатма ва тавсияларнинг ўрин олганлиги,
шунингдек, оила аъзолари учун алоҳида таш-
кил қилинган хоналарнинг бежиримлиги ин-
сон руҳиятига кўтаринки кайфият бағишлай-
ди. Буларнинг барчаси эртамин бўлган кич-
кинтойлари учун экан, бу борада ҳаммамиз
ҳамкорликда меҳнат қилиб, ютуқли натижа-
ларни қўлга киритайлик.



Ҳамкорликдаги туғруқ

Юлдуз КАМАЛОВА,
2-акушерлик бўлими бошлиғи,
акушер-гинеколог:


Давлатимиз раҳбари томонидан
оналик ва болаликни муҳофаза қилиш,
соғлом авлодни шакллантириш маса-
лаларига катта эътибор қаратилмоқда.
Шундай экан, асосий мақсадимиз соғ-
лом онадан соғлом фарзандни дунёга
келтириш экан, бор касбий маҳоратимизни
ишга солишдир. Мана қирқ бир йил-
дирки, шу соҳада ишлаб, ишимиз қан-
чалик масъулиятли эканлигини дилдан
ҳис этиб келаямиз. Ҳомилдор аёллар-
имиз учун афзал имкониятлардан бири
уларнинг туғишдан олдин ёнида ҳамкор
бўлиб турган оила аъзоларининг ёрда-
ми ҳам катта бўлмоқда. Албатта, одам-
дан одам келиши осон эмас. Ушбу жа-
раёнда икки жонни соғлигини ҳимоя
қилиш зимманимизга катта масъулият
юклайди. Шу боис, бор имкониятлари-
мизни ишга солиб, жараёнларни муваф-
фақиятли бажаришга ҳаракат қиламиз.



Бола соғлиги назорати

Марказдаги фаолиятлар билан
танишиш жараёнида чақалоқлар
учун яратилган давр талабидидаги
шароитларни кўриб, амалдаги
фаолиятлар самарали натижалар
бераётганлигига гувоҳ бўлдик.

Айниқса, Соғлиқни сақлаш ва-
зирлиги ҳамда Осиё тараққиёт
банки ҳамкорлигида «Аёллар ва бо-
лалар соғлигини мустаҳкамлаш»
лойиҳалари асосида амалга оши-
рилаётган ишлар ҳам бундан муста-
сно эмас. Марказга Осиё тараққиёт
банкнинг «Аёллар ва бо-
лалар саломатлигини мустаҳкамлаш»
лойиҳаси томонидан замонавий
асбоб-ускуналарнинг тақдим
этилганлиги болалар саломатлиги-
ни сақлашда муҳим ўрин тутмоқ-
да. Демак, мазкур янги технология-
лардан умумли фойдаланиш ҳар
бир мутахассисдан назарий ва ама-
лий кўникмани талаб этади.



Замонавий

технологиялардаги самарадорлик

Субҳия МАВЛОНОВА,

вилоят репродуктив маркази дояси:

Юртбошимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 1096-сонли ва 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дас-тури тўғрисида»ги ПҚ 1144-сонли Қарорлари кенг қатламли аҳоли билан янада мукаммал ишлашни тақозо этаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шундай экан, марказимиздаги фаолиятлар кўпроқ тарғибот ва ташвиқот ишлари изчиллик билан олиб боришимизни талаб этади. Марказимизда махсус штаб ташкил этилган бўлиб, замонавий технологиялар ёрдамида ҳудудлардан керакли маълумотларни олиш имкониятига эгамиз. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидидаги штабга ҳам ўз вақтида маълумотларни етказиб турибмиз. Янада фаоллик билан иш-лаш, ҳар бир тиббиёт ходими, қолаверса кенг жамоатчи-лик олдига катта вазифа юклатмоқда.

ЎҚУВ-МАШҒУЛОТЛАРИДАГИ АМАЛИЙ КЎНИКМА



Ноҳидра ХОЛОВА,

Бухоро вилоят репродуктив маркази
директори, акушер-гинеколог:

Марказимиз асосан ўқув-услубий маскан бўлиб, диагностика, контрацепция ва соғломлаштириш ишлари билан шуғулланади. Ҳар ойнинг охириги ҳафтасида (5 кун) режа асосида «Репродуктив саломатлик ва замонавий контрацепция усуллари» мавзусида ўқув-семинарлари ўтказилади. Шунингдек, режа бўйича чек-

ка туманларда умумий амалиёт шифо-корлари, тиббиёт ходимлари учун сайёр циклар ташкил қилиниб жойларда ўқув-семинарлари олиб борилмоқда.

Туманда туғиш кўрсаткичи юқори бўлган ҚВПларда мониторинг ўтказилиб, ҳар ҳафтанинг учинчи кунинда акушер-гинеколог бориб, фертил ёшдаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиб, ке-ракли маслаҳат ва кўрсатмалар тавсия этади. Вилоят ҳокимлиги, туман ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмитаси, вилоят телерадиоканкомпанияси, вилоят ва туман репродуктив саломатлик маркази ҳамкорлигида ҳар ҳафтанинг шанба кунлари маҳалла маслаҳатчилари, тиббиёт ходимлари, аҳоли, мактаб, коллежларда «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш», «Репродуктив саломатлик нима?», «Репродуктив саломатликка таъсир қилувчи омиллар», «Соғлом оилани шакллантириш ва замонавий контра-



цепция» мавзуларида семинарлар ўтказиб келмоқдамиз. Бундай тарғибот ва ташвиқот ишларининг асл моҳияти шундаки, соғлом онадан соғлом фарзандларнинг дунёга келиши эртани келажакимизни янада порлоқ бўлишига катта замин яратади.

Суҳбатдош Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

1 декабрь — Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш кўни

ДУНЁ ЭЪТИБОРИДАГИ МУАММО

Дунё ҳамжамиятига жиддий хавф солаётган ОИТС хасталиги тўғрисида бугун кўп бора гапирилмоқда. Маълумки, мазкур мавзу йиллар давомида инсоният дунёсини ташвишга солиб келаётган глобал муаммо ҳисобланади. Бугунги суҳбатни Республика ОИТСга қарши кураш маркази врач-эпидемиолог Абдувоҳид Нурматов билан олиб бордик.

— Абдувоҳид Холматович, мутахассис сифатида ОИТСга қарши курашиш бўйича дунёда кечаётган жараёнларни қандай баҳолайсиз?

— XXI асрнинг энг хавфли ва жиддий муаммоларидан бўлган ОИТС хасталиги дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Охириги йилларда бу касаллик пандемия тусини олиб, ижтимоий-иқтисодий нуқтани назардан ёндашганда оммалашиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотига кўра, 2008 йилга келиб ОИВ инфекциясини юқтирган шахслар сони 33,2 миллион нафарга етган. Табиийки, ўлим кўрсаткичлари ҳам юқори ва доимий равишда таҳлил қилиб борилади. Мазкур касаллик ижтимоий аҳамиятга эга бўлгани боис, кенг жамоатчиликнинг тарғибот-ташвиқот ишларида ҳам фаол иштирокини талаб этади. Вазиятни МДХ давлатлари бўйича баҳолайдиган бўлсак, асосий кўрсаткичлар Россия Федерациясига тўғри келади, кейинги ўринларда Украина сингари республикаларни мисол қилиш мумкин.

— Маълумки, ушбу ҳолатни яхшилаш ва олдини олиш бўйича давлат бюджети, қолаверса, халқаро ташкилотлар ва Глобал жамғарма томонидан кўп миқдорда молиявий ёрдам ажратилади. Бу маблағлар асосан қандай мақсадга йўналтирилган?

— Албатта, мазкур маблағлар асосан касалликнинг профилактика чора-тадбирларини қўлайтириш ишларига қаратилган. Сарф қилинаётган маблағлар доимий равишда мониторинг қилиб борилади. Республикада бу касаллик эпидемикасида бу касаллик эпидемикасида кетишининг олдини олиш мақсадида ҳам давлат миқёсида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги ПҚ-1023-сонли «Ўзбекистон Республикасида ОИВ-инфекциясининг тарқалишига қарши ўтказилаётган тад-

бирларнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоралар ҳақида»ги Қарори қабул қилинди. Бу қарорнинг асосий моҳияти ОИВга қарши курашнинг ягона тизимини ташкил қилиш, унинг олдини олиш ва аҳолини бу касалликдан ҳимоя қилиш борасида ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш. Шунингдек, ОИВга қарши кураш марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда касалликка қарши курашда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантирилишини таъминлашдан иборат.

Мазкур қарорда айтилган фаолият олиб бораётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ОИТС марказлари асосида ҳозирги замон талабига жавоб берадиган ОИТСга қарши тадбирларни ташкил этишнинг ягона тизимини яратиш, ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши тадбирларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссиясини тузиш, ОИТС марказларининг намунавий тузилмаси ҳамда низомини ишлаб чиқиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирликларга аниқ кўрсатмалар берилган.

Бундан ташқари, Қарорда ОИВга қарши курашнинг ягона тизими ҳамда касалликнинг тарқалишига қарши тадбирларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси таркиби ва низоми тасдиқланиб, бу комиссиянинг асосий вазифалари, ҳуқуқи, шунингдек, масъулияти белгиланган.

— Шу ўринда кенг жамоатчиликнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз. Аҳолининг ОИВ инфекцияси тўғрисидаги хабардорлигини билиш, хусусан, ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигини ошириш қандай самара бермоқда?

— Дунё ҳавотирига сабаб бўлаётган мазкур масала нафақат тиббиёт ходимлари, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам долзарб муаммоси ҳисобланади. Қўзғатувларни таҳлил қиладиган бўлсак, ОИВ инфекцияси билан зарарла-

ниш асосан фаол ёшдаги аҳоли гуруҳлари орасида кўп учрамоқда. Бу, албатта, ачинарли ҳол. Бундай салбий ҳолатлар соғлом турмуш тарзига амал қилмаслик оқибатида келиб чиқмоқда. Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда ОИТСнинг олдини олиш бўйича маҳалла, «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати, нодавлат ташкилотлар, таълим муассасалари ва тегишли жамоат идоралари бирдек жалб этилган. Хабарингиз бор, 2007 йилда касалликка қарши курашиш бўйича стратегик дастур белгиланган бўлиб, унинг доирасида кенг қамровли ишлар бажарилмоқда.

Президентимиз қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2009 йилнинг 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан республика ОИТСга қарши кураш марказининг тузилмаси ва минтақавий марказларнинг намунавий тузилмаси, ОИТСга қарши кураш марказлари тўғрисидаги Низом ҳамда 2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ-инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича сайёҳаракатлар миллий режаси тасдиқланди. Қарорда ОИТСга қарши кураш Республика маркази ва минтақавий марказларнинг замонавий даволаш-диагностика асбоб-ускуналари билан қўшимча равишда жиҳозланиши ва таъмирлаш-реконструкция қилиш ишлари, ОИТСга қарши кураш марказларининг тайёрланган ва юқори малакали мутахассислар билан таъминланиши ҳамда ОИВ-инфекциясига қарши кураш со-

ҳасида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг малакаси доимий ва мунтазам равишда оширилишини назарда тутадиган тизим яратилиши режалаштирилган. Кенг жамоатчиликдан иборат ишчи гуруҳи таркиби ҳам айтилган самарали ишларни олиб бормоқда.

— Мазкур хасталикнинг олдини олиш ва бемор ҳаётини узайтириш мақсадида қўлланилаётган ретровирусга қарши препаратлар қандай таъсир кўчига эга?

— Маълумки, ОИВ инфекциясини батамом тўхтатиладиган вакцина ҳали ишлаб чиқилмаган. Лекин шунга қарамай инфекция тарқалишига қарши курашувчи дори воситалари амалиётда кенг қўлланилмоқда. Ретровирусга қарши терапия ОИТС билан боғлиқ бўлган кўпгина касалликларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва ОИВ инфекцияли шахснинг ҳаёт тарзини яхшилайдиган. У асосан бемор ҳаётининг давомийлигини узайтириш ва яхшилаш, организмда ОИВ сонини камайтириш ҳамда кўпайиши, шунингдек, иммунитет бузилишининг олдини олиш, иммун тизими функциясини тиклаш ва CD4 лимфоцитлар сонини кўпайтириш, вируснинг хужайрага киришини олдини олиш, оппортунистик инфекциялар билан касалланишни камайтиришга қаратилган. Тўғри танланган схемадаги даволашни нўжўта таъсирлар ҳафини қўлайтирмасдан ОИВ юқтириш ҳолатлари сонини камайтириш вазифасини ўтайди. Мазкур терапия қўлланилаётган барча мамлакатларда оппортунистик инфекциялар ва ОИТСдан ўлим ҳолатлари сезиларли даражада камайган.

Аввало, ҳар қандай касалликка чалинмаслик учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш, ҳулқ-атвор борасида нўжўта таъсирларга берилмаслик, зарарли одатлардан тийилиш ва одоб-ахлоқ меъёрларини бузмаслик ижобий натижаларга олиб келади. Шундай экан, атрофдагиларга ҳам эътиборли бўлиш ва уларни бу йўлдан қайтариш эса барчамизнинг олдимизда турган масъулиятли бурч ва вазифамиздир.

Суҳбатдош Намоз ТОЛИПОВ.

Биласизми?

ОИВ — одам организмда иммун танқислигини келтириб чиқарувчи вирус. Асосан одамнинг иммунитет (ҳимоя) тизимига таъсир кўрсатади.

ОИТС — Орттирилган Иммуноитет Танқислиги Синдроми. У ОИВ инфекциясининг якуний даври ҳисобланади.

ОИВ-инфекцияси — фақат одамларда учрайдиган, ўта хавфли, сурункали юқумли касаллик бўлиб, уни қўзғатувчи вирус «Одам иммунтанқислик вируси» деб номланади. Бу касаллик биринчи марта 1981 йилда АҚШда пневмоцистли эпителит ва Капоши саркомаси билан касалланган беморларда аниқланган.

ОИВ соғлом одамга:

— ОИВ билан касалланганлар билан жинсий алоқа қилганда;

— ОИВ билан касалланганлар қонини қуйганда;

— ОИВ билан касалланган аёллардан туғилган болаларга;

— стерилизация қилинмаган шприц ва игналардан такрорий фойдаланилганда (айниқас, шприц орқали наркотик модда қабул қилувчилар орасида), бундан ташқари, ОИВ вируси турмуш шароитида ишлатиладиган шахсий гигиена буюмлари (соқол олиш асбоблари, тиш щёткаси ва шунга ўхшаш ўткир, санчилувчи буюмлар) орқали ҳам юқиши мумкин.

Ўзбекистонда бу касаллик 1987 йилдан бошлаб қайд этилмоқда. Хасталик асосан, хорижий фуқаролар орасида қайд этилган бўлса, кейинги йилларда маҳаллий аҳоли ўртасида ҳам кўпайиб бормоқда.

ОИВ овқатланиш идишлари, бассейн ва ҳоҳлатхоналардан умумий фойдаланилганда одамдан-одамга юқмайди. Бу касаллик белгиларсиз 2 йилдан 12 йилгача ва ундан узоқ давом этиши мумкин.

Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) жумладан, Марказий Осиё давлатлари ичидан — ОИТС муаммоси бўйича Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига эга бўлган ягона давлатдир.

МЕН ЯШАШНИ ИСТАЙМАН!


«Салом азиз дўстим!

Мен ҳозир руҳий тушкунликдаман. Чунки, ҳаётимнинг энг гуллаган — ёшлик даврини азоб-уқубат, оғир мусибат туфайли ўтказмоқдаман. Мен ОИТСнинг қурбони бўлдим. Буларнинг бари оддий ва хавфсиз бошланди. Ушанда 15 ёшда эдим ва «Ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам тенгдошларим орасида ҳурмат-эътиборга эришим шарт!» деб ўйлардим. Тенгдошларим орасида бир йигит пайдо бўлди ва бизга гиёҳванд модда татиб кўриш эвазига оддий бўлмаган ҳис-туғғуни ва биринчи мартага наркотиклар қўрқинчли эмаслигини айтиб ишонтирди. Мен ўзимни қўрқоқ қилиб кўрсатгим келмади ва таваккал қилдим. Қандай аҳмоқона иш қилган эдим ушанда? Наркотикларга жуда тез боғланиб қолдим ва уларнинг асирига айландим. Бу моддаларни со-

тиб олиш учун пул етишмасди. Ўғрилиқ қила бошладим. Бир неча ойлار ичида онам умрини эрта қаритдим. Наҳотки, онам шунга лойиқ бўлса, яъни ўз фарзанди ўзининг ҳаётини барбод қилса. Мен қачон ОИТС билан зарарланганимни билмаман. Кўпинча биз оғайнилар даврасида наркотикни қабул қилиш учун битта шприцдан фойдаланардик. Қайта тозалаш тўғрисида гап-сўз ҳам йўқ эди. Вирус менинг организмимга игна орқали тушган. Касаллик азоб билан ривожланар эди. Менинг ҳаётим дўзахга айланарди. Ҳар кунни ўлимимга рози бўлардим ва наркотик қабул қилиш билан ўзимни овуғтардим. Навбатдаги дозани қабул қилгандан сўнг, узоқ кутилган ҳодиса рўй берди. Мен наркотикларга жисмонан ва руҳий тобе бўлиб қолдим. Заҳри қотилнинг кичик микдори оғриқдан энди халос этолмасди ва ҳар доим дозани кўпайтириб бордим. ҲАЁТИМ эса тобора қисқа-

рарди. Мен ўлимга маҳкум эдим. Ҳеч қандай пул, атрофдагилар ва ҳаттоки кўп нарсани улдасидан чиқадиغان яқин инсонлар ҳам касалга ёрдам бера олмайдилар. ОИТСдан кўплай инсонлар азият чеккан ва ҳаётдан кўз юмган. Хасталик учун шох ҳам, гадо ҳам бирдек. Ҳозир ўзимни ҳеч кимга кераксиз, ҳаётдан умидларни узилган бахтсиз одамдек ҳис этаман. Тириклигинг баъзан фожиа эканлигини билсангда, тақдирга ноилоҳ тан бериб яшаркансан. Яхши кунлар ва қувончли лаҳзалар борлигига ишонмай иложинг йўқ.

Менинг дўстим! Мен сенга, яъни ҳаётини энди бошлаётган инсонга мурожаат қиламан. Сени зарарланишдан сақлайдиган йўлни билишни истайсанми? Бу — соғлом турмуш тарзига амал қилишдир. Ишон, дунё гўзал ва ҳайратли, ҳаётда хурсандчиликлар кўп. Агар ҳозир ўзингни ёмон ҳис қилаётган бўлсанг, наркотиклар



сени муаммодан қутқармайди, фақат ташвишларни кўпайтиради. ОИТС ва гиёҳвандликдан ўлганлар рўйхатида сенинг номинг йўқ. Мен ишонман, сен уларга қарши туриш ва курашишга ўзингда куч топа оласан. Ҳаётда иродали бўл, келажагинг учун кураш. Сен албатта, бахтли бўласан!

«Б... Тошкент шаҳри».

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

МАШАҚҚАТЛИ МЕХНАТ ОРТИДАГИ ФИДОЙИЛИК



Татьяна САИДОВА,
Тошкент шаҳар ҳокимияти
мехнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш
бош бошқармасига қарашли
1-сон болалар «Мурувват»
уйи раҳбари:

— Мурувват уйимиз 1932 йилда ташкил топган. Аввал, эски шаҳарнинг «Сағбон» қўчасида жойлашган бўлиб, 1974 йилда мазкур жойга кўчиб келди. Бу ерга келганимизда бино таъмир-талаб, тарбияланувчилар учун шароит ва имкониятлар мавжуд эмас эди. Аста-секинлик билан ҳомийлар ёрдамида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бугунги кунда муассасамизда 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган 290 нафар болага 43 нафар тарбиячи таълим-тарбия бериб келмоқда. Давлатимизнинг ногиронларга бўлган эътибор ва ғамхўрликлари туфайли саховатли инсонлар томонидан мурувват уйида спорт зали, синф, компьютер ҳамда ота-оналар учун алоҳида хоналар замон талаблари даражасида таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Маданият ва спорт вазирликлари томонидан болаларимизга 3 500 дан зиёд турли хилдаги дарслик ва адабиётлар тўғрисида фахр билан айтмоқчиманки, тарбияланувчиларимиз юртимизда, шунингдек, АҚШ, Канада ва Бельгия давлатларида ўтказилган спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб, медал, фахрий ёрлик ҳамда дипломлар билан тақдирланишган. Аynи кунда «Сен ёлғиз эмассан» хайрия жамғармаси томонидан мурувват уйининг 3-группи замон талаблари даражасида таъмирланиб, ишга тутиш арафасида. Болаларимизга мурувват кўрсатаётган барча саховатли инсонларга ўз миннатдорчилигини билдириб қоламан.



Зиля ГАБИТОВА,
Мурувват уйининг
бўйича тарбиявий ишлар
бўйича раҳбар ўринбосари:

— Мурувват уйида ўқув-тарбия ишлари асосан Халқ таълими вазирлиги ва таълим маркази томонидан тайёрланган махсус дастур асосида олиб борилади. Мазкур дастур болаларнинг меҳнат кўникмаларини эгаллаш, оддий савод-

Хайтда шундай инсонлар борки, улар бор илми, қолаверса умр йўлини фидойиликка бахшида этиб, юртимиз равнақи учун астойдил хизмат қилиб келадилар. Айниқса, меҳрибонлик ва мурувват уйларида қалби ўксик болаларга меҳр улашиб келаётган инсонлар тўғрисида қанчалик эътирофли фикрлар айтмайлик, сўз бойлигимиз камлик қилади. Ана шундай фидойилик йўлида хизмат қилиб келаётган Тошкент шаҳар ҳокимияти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли 1-сон болалар «Мурувват» уйида бўлганимизда у ерда меҳнат қилаётган тарбиячи, энага ва ҳамшираларнинг кундалик фаолиятлари билан танишиб, суҳбатда бўлдик.

Саховатли инсонлардан миннатдоримиз

«Сен ёлғиз эмассан» хайрия жамғармаси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси, «Ўзташқинфгаз» очик акциядорлик жамияти, Ўзтрансгаз, 1-сонли ун ишлаб чиқариш комбинати, Трансаэро, «Совластитал» қўшма корхонаси, Тошкент Аэропорт божхона комитети, «СТМ» очик акциядорлик жамияти, «Диенвиди» қўшма корхонаси, «Алмус» ШК, «Ўзнефгаз» НКК, «Эколот» МЧЖ қўшма корхонаси, «Шоштранс» ёпиқ акциядорлик жамияти, «Линк РТ» қўшма корхонаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқаро хайрия фонди, Галла банк, Миллий банкнинг Собир Раҳимов бўлими, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Nord Vest Medical Teams ваколатхонаси, New Hope RF, Халқлар дўстлиги госпитали, «Хайт ижро» хусусий корхонаси, World Vision, «Меҳрхон» васийлик кенгаши, Чехия Республикаси элчихонаси, «Трест-12» очик акциядорлик жамияти, «Динамо» магазини, «Карвон» ОПК, «Сарбон савдо» масъулия чекланган жамияти, Мирзо Нисъ Хамидзода масжиди ҳамда Oxus servis ва бошқа ташкилотлар.


хонлик, ҳисобга ўргатиш ва ўзига хизмат қилишга қаратилган. Ўзгалар ёрдамига муҳтож болаларнинг қобилияти ва саломадлигини инобатга олган ҳолда, улар таълим олиш гуруҳларига ажратилган бўлиб, ўқув жадвали бўйича дарс ўтилади. Шунингдек, ўтилган дарслар журналда қайд этилади ва баҳолар қўйиб борилади. Бундан ташқари, спорт, расм, тикиш, компьютер ва «Кичик боғбон» тўғрисида иш режа ва жадвалга асосан фаолият юритади. Айтиш жоизки, 2006 йилда очилган сенсор хонада ўзгалар парваришига муҳтож 66 нафар бола билан қўриш, эшитиш, хид билиш, тактил ҳисларни ва таянч-ҳаракат аппаратларини ривожлантириш мақсадида коррекцион машғуллотлар режа ва жадвал асосида олиб борилади. 12 нафар бола эса 36-махсус меҳнат таълим мактаб дастури бўйича тахсил олади. 2008 йилдан бошлаб, ақли заифлигининг оғир ва чуқур даражадаги болалар билан ақла ҳолатда режа асосида иш олиб боришмоқда, бундан асосий мақсад болаларда қўриш, эшитиш, йирик ва майда моторика малака ва ҳиссийларини ривожлантиришга қаратилган. Натижада ётадиган болалар бўлимларидаги 77 нафар боладан 6 нафари ўтиришга, 9 нафари эмаллашга, 5 нафари таянч орқали оёққа туриб, 1 нафари юриб кетган. Судралик юрадиган болалар бўлимидаги 37 нафар боладан 26 нафари юришга ҳаракат қилмоқда. Ўқув синфларидаги 27 нафар бола ўқиш ва ёзишни ўрганган. 2009 йилнинг октябрь ойидан 12 нафар болани касбга тайёрлаш мақсадида оёқ-қўлим таъмирлаш устaxonаси ишга тушиди.

Ўқув жараёнига оид масалалар ҳамда ҳисоботлар педагогик кенгашда ҳал қилинади. Фаолият кўрсатаётган тарбиячиларимиз ўзаро тажриба алмашиш билан бир қаторда, ёш тарбиячиларнинг малакасини ошириш мақсадида очик машғуллотлар олиб борадилар. Улар ўзгалар ёрдамига муҳтож болалар билан ишлашда, уларнинг психологик ҳусусиятларини ҳамда замонавий педагогик технологиялар ҳақида чуқуროқ билимга эга бўлиш мақсадида

Medical Teams International ва World vision халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этилган «Имконияти чекланган болалар билан коррекцион-тарбиявий иш олиб бориш, массаж ва физиотерапия», «Имконияти чекланган болалари бор бўлган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш» ва «Ногиронликка эга бўлган бола ва унинг оиласига руҳий, ижтимоий қўмақ кўрсатишни таъминлаш» каби мавзулардаги семинар-тренингларда иштирок этиб, ўз малакаларини назарий ва амалий томондан бойитдилар. Жорий йилда тарбиячилар «Имконияти чекланган болалар билан коррекцион-тарбиявий ишлар олиб бориш» мавзусида ота-оналар иштирокида семинар-тренинг ўтказдилар. Фахр билан айтиш керакки, 10 нафар бола спортнинг енгил атлетика, футбол, астафета каби турлари билан шуғулланади. Ҳар ойда бир марта тарбиячилар тузилган жадвал асосида болаларга кўғирчоқ театрини намойиш этишди, шунингдек, ҳар ойнинг охириги пайшанбасида болаларнинг тузилган кунлари ўтказилди. Муассаса ер майдони етти бўлимида меҳнат қилаётган ходимларга тақсимила берилган. Доимий равишда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади.

Маҳмуда ИСЛОМОВА,
катта тарбиячи:

— 43 йил давомида болажонларимизни тарбиялаш йўлида хизмат қилиб келмоқдам. Шундан 27 йил мазкур болалар уйида ўтмоқда. Муассасамизда болаларимиз учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Мен кўпроқ катта ёшдаги болалар билан фаолият олиб бораман. Айтишим жоизки, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсонли бор болалар ва ногирон болаларнинг ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Мазкур Қонун бўйича мурувват уйимизда амалий ишлар ўз ифодасини топиб келмоқда. Айниқса, Президентимиз раҳнамолигида биз тарбиячилар учун яратилган имкониятлар ногирон болаларимизни ҳар томон-



лама тарбиялашда катта енгиллик туғдирди. Авваллари 20 тадан ортиқ болага бир нафар тарбиячи тўғри келган бўлса, эндиликда эса 8 та болага 1 нафар тарбиячи тўғри келмоқда. Кўп йиллик тажрибаларимдан келиб чиққан ҳолда айтмоқчиманки, бундай мурувват уйларида ишлаш, албатта оғир, бунинг учун тарбиячи ва энагалардан катта меҳнат, сабр-тоқат талаб қилинади. Тарбияланувчиларимиз орасида зехни ўткир, истеводли ва дунёқароши кенг болаларимиз бор. Улар бизга жуда ўрганиб қолишган. Ишга келишимизни интиқлик билан қўтишди. Биз уларни ўз фарзандларимиздек қабул қилганмиз. Қўлимиздан келганича уларга ота-она меҳри ва оила муҳитини беришга ҳаракат қиламиз.

Наргиза ИСМАТОВА,
36-махсус меҳнат таълими
мактаби ўқитувчиси:

— Бир неча йилдан буён ўқиш ва ёзишга иштиёқи бўлган болаларга алоҳида дарс машғуллотлари ўтиб бораман. Уларнинг айримларида ўқиш ва ёзишни тез ўзлаштириш ва нутқ раволиши яхши. Улардаги ҳолатларни ҳар томонлама ўрганиб, меъёрий даражада дарс соатларини олиб бораман. 12 ёшли Раҳматиланинг ёзиши, нутқи, ўқишга бўлган интилиши жуда яхши. Шунингдек, бошқа болаларда ҳам ана шундай билимга интилиш бўлигини кўриб, улар ҳам жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси бўлишига ишончим ортади.

(Давоми 5-бетда).

(Давоми. Бош 4-бетда).

**Гавҳар ХАЛИЛОВА,
маънавият ва маърифат
ҳамда компьютер
хонаси раҳбари:**

– Ҳимийлар томонидан берилган компьютерларда ишлаш болажонларимизни замон руҳида тарбияламоқда, десам янгилимаган бўлман. Улар компьютер дастурларида ишлаш ва унда ёзиш ишларини пухта ўрганиб боришмоқда. Шу жараёнда кутубхонамиздаги кўплаб адабиётларни мутлоа қилаётган болаларимиз матнларни тезкорлик билан компьютерда териш хусусиятига эга. Бундан ташқари, маънавият ва маърифат сабоқлари бўйича тарбияланувчилар билан суҳбатлар олиб бориб,

да анчагина қийинчиликларга дуч келиб, тарбияланувчиларни харақтерларини ўрганиб олгунча сабр билан ишлашга ҳаракат қилдим. Бундай ўқик қалблар тилини топиш, дилини оғритмаслик кундалик вазифамга айланди. Шунингдек, уларни ечинтириб қийинтириш, маълум вақтга белгиланган ювиниш хонасига кузатиш энгалардан тозалик ва озодлик ҳамда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишни талаб этади. Зиммамдаги барча вазифаларни астойдил бажариб, қизларни ҳам имкон қадар ораста, муомалали ва озодликка эътибор қаратишларини кузатиб, билмаганларини ўргатиб бораман. Амалдаги фаолиятимда шу нарсасига амин бўлдимки, қўлимизда таълим ва тарбия олаётган ногирон болаларимизга қанчалик

олиб борилган машғулотларда болалардаги истеъдодларни юзга чиқариш учун касбий маҳоратимдан унумли фойдаланаман. Ҳар бир тарбияланувчимнинг чизган расмлари ҳамда улар орқали ўз фикрларини баён эта олишида меҳнат маҳсулини кўриб хурсанд бўлман ва айримларидаги истеъдодни кўриб, келажақда улардан ҳам юртимиз учун керакли инсонлар етишиб чиқишига умид билдираман.

**Ринат САФИН,
даволаш-физкультура
ишлари бўйича шифокор-
услубиячи:**

– Мурувват уйимизда 290 нафар бола тарбияланади. Уларда турли хилдаги касаллик ташхислари қўйилган бўлиб, ҳасталик турига қараб спорт билан шуғул-

**Зебо ЮЛДОШЕВА,
тарбиячи:**

– Ушбу болалар уйига ишга келиб адашмаган эканман. Бу ердаги соғлом муҳит ҳар бир ҳодимни астойдил, сабр-тоқат ҳамда изланиб ишлашга ундайди. Фаолият юритаётганимга саккиз йилдан ошибдики, ўқувчиларимга таълим-тарбия беришда машғулота дахлдор бўлган услублардан фойдаланишга ҳаракат қиламан. Аини кунда 9 нафар 3-синф ўқувчиларига тахсил бериб келмоқдаман. Ҳамма фанлар бўйича дарс машғулотларини олиб бораман.

Улардаги билимга бўлган ташналикни кўриб, дарсларни қизиқarli ҳамда савол-жавоб тарзида ўтказаман. Журналда ҳар бир дарс соатларини ёзиб, ўқувчилар



МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ОРТИДАГИ ФИДОЙИЛИК

уларни даврининг янгиликларидан хабардор қиламиз. Имкон қадар болаларимизни дунёқарашини янада шакллантиришда бор имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз.

**Лола ЗУФАРОВА,
2-гурӯх қизлар тарбиячиси:**

– Бўлимизда 3 та гурӯх бўлиб, унда 44 нафар қизлар тарбияланишади. Менга асосан 9 нафар қиз бириктирилган. Уларга ҳар томонлама таълим ва тарбия бериш зиммамда. Фаолият жараёнида шу нарсасига амин бўлдимки, аввало бундай қалби ўқик болалар дилига йўл топиш зарур экан. Биз қанчалик меҳр ва мурувват кўрсатмайлик, уларнинг юзларидаги маъносиликни кўриб

якши меҳр кўрсатсак, улар ишга келишимизни интиқлик билан кутишади. Бунинг исботи сифатида айтмоқчиманки, эшикдан кириб келишимиз биланоқ, уларнинг кўзларидаги қувонч ва юзларидаги шодлиқни кўриб вуқудимиз титраб кетади. Демак, биз уларга ота-она ва оила муҳитидаги меҳрни бераётганлигимиздан фахрлансак арзийди. Шунингдек, улар орасидан жамиятимиз тарақиёти учун фойда келтирадиган қизларимизнинг етишиб чиқишига ишонаман.

**Шахноза МУКИМОВА,
коррекциялаш бўйича
тарбиячи-логопед:**

– Аввало, ҳар бир соҳа мутахассиси ўз касбини чин дилдан севиб меҳнат қилсагина, у тарбиялаётган инсон, албатта, жа-

лаиш ҳамда массаж ишларини олиб борамиз. 8 йилдирки, ушбу муассасада фаолият олиб борар эканман, болалардаги ўзгаришларни кўриб, янада янгича услублар билан ишлашга ҳаракат қиламан. Еттига бўлимдаги болаларнинг касаллик ташхисларига қараб, керакли муолажалар ҳамда уларнинг оёққа туриши, юриб кетиши учун дастурда белгиланган режа асосида ёрдам кўрсатаман. Айниқса, таянч ҳаракат ёғзоларини тиклашда махсус спорт анжонларидан фойдаланаман. Олиб бораётган ҳар бир ишим ўзига хос вақтни талаб этади. Шу боис, меъёр даражасида фаолиятни давом эттириб бораман. Бу албатта, мутахассисдан катта маҳорат талаб этади. Шуғулланиш залида барча шароит ва имконият-



*Мурувват асли не — мурувват бир йўл,
Бир йўлки манзили юрак бўлади.
Хаста бир кўнгилни шод этгани он,
Мурувват энг олий неъмат бўлади.*

